

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03.30.01.2020.Ped.26.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

ВАЛИХАНОВА НИГОРА АБДУЖАХХОРОВНА

МАЛАКА ОШИРИШ ЖАРАЁНИДА БОШЛАНГИЧ СИНОФ
ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИОН
КОМПЕТЕНТЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи

ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент– 2022

УДК 371.127:372.22:681.142.37

Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси

Оглавление авторферата диссертации доктора философии (PhD)
по педагогическим наукам

Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)
on pedagogical sciences

Валиханова Нигора Абдукаяхоровна
Малака ошириш жараёнида бошлангич синф ўқитувчиларининг ахборот-
коммуникацион компетентлигини ривожлантириш..... 3

Валиханова Нигора Абдукаяхоровна
Развитие информационно-коммуникационной компетентности учителей
начальных классов в процессе повышения квалификации..... 23

Valikhanova Nigora Abdukakhorovna
Development information and communication competence of primary school
teachers in the process of professional development..... 44

Эълон қилинган ишлар рўйхати
Список опубликованных работ
List of published works..... 49

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03./30.01.2020.Ped.26.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

ВАЛИХАНОВА НИГОРА АБДУКАХХОРОВНА

МАЛАКА ОШИРИШ ЖАРАЁНИДА БОШЛАНГИЧ СИНОФ
ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИОН
КОМПЕТЕНТЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи

Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вакиллари Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.3.PhD/Ред1644 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат педагогика университетида бажарилган.

Диссертация авторферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида - www.dru.uz ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида - www.ziyo.net/uz манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Абдуллаева Барно Сайфуддинова
педагогика фанлари доктори, профессор

Расмий оponentлар:

Ҳакимова Муҳаббат Файзилова
педагогика фанлари доктори, профессор

Исакулова Нилуфар Жаникулова
педагогика фанлари доктори, профессор

Етақчи ташкилот:

Гулистон давлат университети

Диссертация химояси Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги DSc.03/30.01.2020.Ред.26.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «12» 02 соат 8:30 даги мажлисида бўлиб ўтди. (Манзил: 100185, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 27-уй. Тел.: (+99871) 276-79-11; факс: (+99871) 276-80-86; e-mail: tdpu_kengash@edu.uz.)

Диссертация билан Тошкент давлат педагогика университетининг Ахборот-ресурс марказида ташиш мумкин 4442 рақам билан рўйхатга олинган. Манзил: 100185, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 27-уй. Тел.: (+99871) 276-79-11; факс: (+99871) 276-80-86.

Диссертация авторферати 2022 йил «29» 01 кунги тарҳатлиди.
(2022 йил «29» 01 даги 39 - рақамли реестр баённомаси).



КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Жаҳон таълим муассасалари қайта тайёрлаш ва малака ошириш марказларида ўқитишнинг ахборот-коммуникацион технологиялари бўйича касбий компетентлигини ривожлантиришнинг креатив модулли технологиялари таълим жараёнига татбиқ этилган. ЮНЕСКО томонидан ўтказилган бутун жаҳон конференциясида катталар таълими XXI асрда «эшникларни очувчи калит» деб эътироф этилган. Натيجида педагогик кадрларни инновацион салоҳияти, акмеологик компетентлиги ва ижодкорлигини инновацион ёндашувлар асосида муस्ताқил таълим жараёнида ташкил этиш, ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг интеллектуал ресурсларини яратиш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Жаҳон таълим қайта тайёрлаш ва малака ошириш муассасаларида бошланғич синф ўқитувчиларининг муस्ताқил таълим жараёнини ташкил этиш, ижодий тафаккурини ўстириш, малака оширишнинг психологик, андрогогик омилларини ривожлантириш, ўқитувчиларда янги билимларни ўлаштиришга бўлган мотивацияни шакллантириш, ахборот-коммуникацион технологиялари бўйича касбий компетентлигини шакллантиришнинг локал-модулли технологияларини жорий этиш бўйича илмий-тадқиқот ишлари амалга оширилмоқда. Шу билан бирга бошланғич синф ўқитувчиларининг ахборот коммуникацион технологиялар асосида касбий компетентлигини ривожлантириш, ўқувчиларда ижодий билиш фаолиятининг репродуктив ва продуктив даражаларини моделлаштириш, интеллектуал салоҳиятли ўқувчини тарбиялаш, амалий машғулотларнинг виртуал шаклларини жорий этиш, ўқув жараёнини педагогик ҳамкорлик асосида лойihalаштириш бўйича илмий тадқиқот ишларига алоҳида эътибор берилмоқда.

Республика миқозда сўнгги йилларда халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини хорижий тажрибалар асосида ривожлантириш, янги таълим дастурларини ишлаб чиқиш, масофадан ўқитиш, муस्ताқил таълим олишни кенгайтириш, замонавий педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш ҳамда моддий-техника базасини такомиллаштиришнинг меъёрий асослари яратилди. «Халқ таълими раҳбар ва педагог кадрларида замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва масофадан ўқитиш усулларидан фойдаланган ҳолда илгор педагогика ва инновацион технологияларни эгаллаш ҳамда уларни мактаблардаги ўқув жараёнига самарали татбиқ этиш кўникмаларини ривожлантириш» масалалари¹ устувор йўналиши сифатида белгиланган бўлиди. Натيجида кадрлар тайёрлаш ва малака ошириш сифат даражасини ошириш, жаҳон амалиёти асосида педагогик кадрлар малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш имкониятлари кенгайтирилади.

¹ Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси тасдиқлаш тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-5712-сон Фармони. 2019 йил 29 апрел.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПҚ-4947-сон Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича «Харакатлар стратегияси тўғрисида»ги ва 2018 йил 5 сентябрдаги ПҚ-3931-сон «Халқ таълими тизимига бошқаруving янги принципларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари, 2019 йил 29 апрелдаги ПФ-5712-сон «Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 6 апрелдаги 187-сон «Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълимининг Даалат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа меърий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу тадқиқот иши муайян даражада хизмат қилди.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг I «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иктисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда, инновацион гоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Таълим жараёларини ахборотлаштириш, ахборот технологияларидан фойдаланиш, электрон муҳитда ахборот алмашишнинг назарий ва методик асослари А.Абдуқодиров, У.Бегмуқолов, Г.Эргашева, Ф.М.Закирова, И.Н.Тайлақов, Р.Р.Боқиевларнинг илмий ишларида талқин этилган. Педагог кадрларнинг малакасини ошириш ва уларни инновацион фаолиятга тайёрлаш масалалари А.Х.Аминов, А.Р.Арипджанова, А.Д.Аскарлов, З.А.Артиқбоева, А.Т.Гулбоев, М.У.Деханова, М.Жуманиёзова, К.З.Зарипов, А.Е.Ибрайимов, Ж.Ғ.Йўлдошев, Ш.Қ.Мардонов, Б.С.Нурдинов, С.Ф.Ражабова, Д.М.Сайфуоров, Ш.Саидқулов, Ф.М.Тожиёва, Т.М.Уматқулов, Д.А.Ҳидоятова, Т.Л.Хурваалиева, Д.Х.Шадиётова, М.Б.Шодмонова, М.Шодиёва, М.А.Юлдашевлар томонидан талқин қилинган. Таълимда компетенциявий ёндашувнинг моҳияти, ўқитувчиларнинг касбий компетенциясини ривожлантириш, компетенцияларнинг шаклланишини ташхислаш ва коррекциялаш, компетенцияларни самарали ривожлантиришга оид ёндашувлар, ахборот компетенциясини ривожлантириш бўйича Н.Н.Азизходжаева, Й.М.Асадов, М.М.Ваҳобов, Р.Х.Джурраев, Р.Г.Исанов, А.М.Магруппов, Н.А.Муслимов, Ж.Э.Усаров, И.А.Эшмаматовлар тадқиқотлар олиб борган.

МДХ мамлакатлари тадқиқотчиларидан таълимда компетентли ёндашув масалалари бўйича З.М.Большакова, О.А.Иманова, И.А.Зимняя, С.А.Королькова, Н.Ф.Радионова, А.Н.Скляренко, А.В.Тимова, педагог кадрларнинг ахборот-коммуникацион компетенциясини шакллантиришга йўналтирилган педагогик фаолият моҳияти, механизми, омиллари, методик асослари, шакл ва воситалари бўйича Н.В.Витковская, А.В.Гоферберг, Е.М.Зайцова, С.Р.Маркулис, Е.К.Хеннерлар изланишлар олиб борган.

Европа мамлакатларида A.W.Bates, Z.L.Berge, Chad Sutton, J.S.Daniel, F.Delamare ва J.Wintertopлар педагог-кадрларнинг компетентлигини ривожлантириш, мультимедиа тизимини таълим муассасаси, ўқув жараёнида қўллаш масалалари билан шуғулланишган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат педагогика университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг «Бошланғич синф ўқитувчилари учун мультимедиали дарс ишланмалари мажмуасини яратиш» маърузидаги амалий лойиҳаси доирасида бажарилган (2015-2017 йй.).

Тадқиқотнинг мақсади малака ошириш жараёнида бошланғич синф ўқитувчиларининг ахборот-коммуникацион компетентлигини ривожлантириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

малака ошириш жараёнида бошланғич синф ўқитувчиларини ахборот-коммуникацион компетентлигини ривожлантириш жараёнини фалсафий, педагогик, психологик таҳлил этиш;

бошланғич синф ўқитувчиларининг ахборот-коммуникацион компетентлигини ривожлантириш моделини такомиллаштириш;

бошланғич синф ўқитувчиларининг ахборот-коммуникацион компетентлигини махсус компетенцияларини ривожлантириш усулларини такомиллаштириш;

бошланғич синф ўқитувчиларининг ахборот-коммуникацион компетентлиги компонентларини ривожлантириш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида малака ошириш жараёнида бошланғич синф ўқитувчиларининг ахборот-коммуникацион компетентлигини ривожлантириш жараёни белгилашиб, тажриба-синов ишларида Андрижон, Жиззах ва Самарқанд вилоят ХТХҚТМОХМларидан жами 356 нафар таълимчилар иштирок этган.

Тадқиқотнинг предметини малака ошириш жараёнида бошланғич синф ўқитувчиларининг ахборот-коммуникацион компетентлигини ривожлантириш мазмуни, шакл, метод ва воситалари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда адекват ҳолатда ўрганишни таъминлашга қаратилган методлар мажмуи қўлланди: назарий (таҳлилий-синтетик, қиёсий-таққослаш, аналогия, моделлаштириш), диатгностик (сўровлар, тест ўтказиш, кузатиш, лойиҳалаштирилган технологиялар), прогностик (эксперт баҳолаш, мустақил баҳоларни умумлаштириш), педагогик тажриба-синов ва математик методлар (маълумотларни статистик ҳайта ишлаш, нагжаларни график тасвирлаш ва бошқ.).

Тадқиқотнинг илмий янгилigi қуйидагилардан иборат:

бошланғич синф ўқитувчиларининг ахборот-коммуникацион компетентлигини ривожлантириш модели мутахассислик фанлари ўқув блоқи модулига субъектнинг когнитив-фаолиятли психологик, мотивацион-кадриятли

педагогик ҳамда техник-технологик ташкилий компонентларини бошқичма-бошқич киритиш асосида такомиллаштирилган;

бошлангич синф ўқитувчиларининг ахборот-коммуникацион компетентлиги ўқув жараёнида электрон ўқув материалларини яратиш, Microsoft office пакетидан мақсадли фойдаланиш, инфографика кўرғазмалари дидактик материал ҳамда мультимедияли электрон тестлар яратиш асосида такомиллаштирилган;

малака ошириш жараёнида электрон таълим муҳитининг дастурий-методик таъминоти тахлилий-синергетик диагностика қайта ишлаш, ўқув материалларини дидактик хусусиятларига кўра интерпретация қилиш, педагогик ҳаракатлар компонентлари таркибинин миллий қадриятларга мослаштириш асосида такомиллаштирилган;

бошлангич синф ўқитувчиларининг ахборот-коммуникацион компетентлигини ривожлантириш технологиялари интернет таълим ресурсларидан интенси́в фойдаланиш, электрон таълим контентини яратиш, EDraw Max dasturi, Mind Map дастурий воситаларининг таълимий имкониятларини педагогик муаммоли вазиятлар ва дидактик-ролли ишчан ўйинларга синхрон-адаптив мослаштириш асосида такомиллаштирилган.

Таълиқотнинг амалий натижалари куйидагилардан иборат:

бошлангич синф ўқитувчиларининг ахборот-коммуникацион компетентлигини ривожлантириш модели такомиллаштирилган;

бошлангич синф ўқитувчиларини ахборот-коммуникацион компетентлигини ривожлантириш бўйича www.bsmom.uz веб-сайти яратилган;

«Бошлангич синфларда математика ўқитиш методикаси» ўқув кўлланмаси нашр этилган.

Таълиқот натижаларининг ишончлилиги малака ошириш жараёнида педагогик ва психологик, андрогогик ёндашув асосида бошлангич синф ўқитувчиларини ахборот-коммуникацион компетентлигини ривожлантириш соҳасидаги республикамик, чет эллик олимларнинг ишларига асосланганлиги, тажриба-синов ишларининг тахлили ва самарадорлиги математик-статистик тахлил методлари орқали қайта ишланганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг вақолатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Таълиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Таълиқот натижаларининг илмий аҳамияти малака ошириш жараёнида бошлангич синф ўқитувчиларининг ахборот-коммуникацион компетентлигини ривожлантириш модели такомиллаштирилганлиги билан изоҳланади.

Таълиқот натижаларининг амалий аҳамияти бошлангич синф ўқитувчиларининг ахборот компетентлигини ривожлантиришга йўналтирилган методик таъминоти, ривожлантириш мезонлари, кўрсаткичларидан умумий ўрта таълим мактаблари бошлангич синф ўқитувчиларининг малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлиги ҳамда компетентлигига кўйиладиган малака талаблари, янги авлод дарслик, ўқув ва методик кўлланмаларини яратишда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Таълиқот натижаларининг жорий қилиниши. Малака ошириш жараёнида бошлангич синф ўқитувчилари ахборот-коммуникацион компетентлигини ривожлантириш юзасидан олинган илмий натижалари асосида:

бошлангич синф ўқитувчиларининг ахборот-коммуникацион компетентлигини ривожлантириш модели мутахассислик фаилари ўқув блоки модулига субъектнинг когнитив-фаолиятли психологик, мотивацион-қадриятли педагогик ҳамда техник-технологик ташкилий компонентларини бошқичма-бошқич киритиш асосида такомиллаштиришга оид хулоса ва таклифлардан А-1-23 рақамли «Бошлангич синф ўқитувчилари учун мультимедияли дарс ишланмалари мажмуасини яратиш» мавзусидаги амалий лойиха доирасида белгиланган вазифаларни бажаришда фойдаланилган (Тошкент давлат педагогика университетининг 2021 йил 13 сентябрдаги 02-07-2343/04-сон маълумотномаси). Натижада, бошлангич синф ўқувчиларига бошлангич таълим фаннини ўқитишнинг электрон таълим ресурслари мазмуни такомиллаштирилган.

бошлангич синф ўқитувчиларининг ахборот-коммуникацион компетентлиги ўқув жараёнида электрон ўқув материалларини яратиш, Microsoft office пакетидан мақсадли фойдаланиш, инфографика кўрғазмалари дидактик материал ҳамда флаерларни тайёрлаш, мультимедияли электрон тестлар яратиш асосида такомиллаштиришга оид хулоса ва таклифлар асосида «Бошлангич синфларда математика ўқитиш методикаси» ўқув кўлланмаси ишлаб чиқилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 6 октябрдаги 522-сон буйруғи асосида берилган 522-091-сон нашр рухсатномаси). Натижада, бошлангич синф ўқитувчиларининг узлуksиз малакасини ошириш учун www.bsmom.uz сайти яратилишига хизмат қилган.

малака ошириш жараёнида электрон таълим муҳитининг дастурий-методик таъминоти тахлилий-синергетик диагностика қайта ишлаш, ўқув материалларини дидактик хусусиятларига кўра интерпретация қилиш, педагогик ҳаракатлар компонентлари таркибинин миллий қадриятларга мослаштириш асосида такомиллаштиришга оид хулоса ва таклифлар асосида «Бошлангич синфларда математика ўқитиш методикаси» ўқув кўлланмасини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 6 октябрдаги 522-сон буйруғи асосида берилган 522-091-сон нашр рухсатномаси). Натижада, бошлангич синф ўқитувчиларининг малакасини оширишда ўқитиладиган фанларнинг методик таъминоти такомиллашувига хизмат қилган;

бошлангич синф ўқитувчиларининг ахборот-коммуникацион компетентлигини ривожлантириш технологиялари интернет таълим ресурсларидан интенси́в фойдаланиш, электрон таълим контентини яратиш, EDraw Max dasturi, Mind Map дастурий воситаларининг таълимий имкониятларини педагогик муаммоли вазиятлар ва дидактик-ролли ишчан ўйинларга синхрон-адаптив мослаштириш асосида такомиллаштиришга оид

таклифлар А-1-23 рақамли «Бошлангич синф ўқитувчилари учун мультимедиади даре ишланмалари мажмуасини яратиш» мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида белгиланган вазифаларни бажаришда фойдаланилган (Тошкент давлат педагогика университетининг 2021 йил 13 сентябрдаги 02-07-2343/04-сон маълумотномаси). Натижада, бошлангич синф ўқувчиларига бошлангич таълим фанни ўқитишнинг инновацион технологиялар базаси такомиллаштирилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 7 та республика илмий-амалий анжуманида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқот мавзуси бўйича жами 15 та илмий иш, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия қилинган илмий нашрларда 4 та, шундан 2 таси республикада ва 2 таси хорижий журналда нашр этирилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат бўлиб, асосий матн 132 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги асосланган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикасида фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги баён этилган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, шунингдек, объекти ва предмети аниқланган ҳамда илмий-амалий аҳамияти, натижаларнинг ишончлиги, амалиётга жорий қилиниши, апробацияси, эълон қилинганлиги, тузилиши ва ҳажми масалалари ўз аксини топган.

Диссертациянинг «Малака ошириш жараёнида бошлангич синф ўқитувчисининг ахборот-коммуникацион компетентлигини ривожлантиришнинг назарий асослари» деб номланган биринчи бобида малака ошириш тизимидаги ислохотлар, компетенциявий ёндашув, «компетенция» ва «компетентлик» тушунчаларининг мазмун-моҳияти, бошлангич синф ўқитувчиларининг ахборот-коммуникацион компетентлигини ривожлантиришнинг педагогик-психологик жиҳатлари, ижтимоий ва педагогик зарурият сифатида ахборот-коммуникацион компетентликни ривожлантириш мавжуд ҳолатлари асослаб берилган.

Малака ошириш тизими педагогларни таълим тизимида олиб борилаётган туб ислохотлар ва модернизация жараёнларининг мазмун-моҳияти билан таништириши, таълимдаги янгиликларни тиргиб қилувчи таълим маскани эканлини назарда тутган ҳолда, мазкур муассаса инновацияларни дастлаб ўзда жорий этиш, ўқитиш жараёнини инновацион ёндашув асосида ташкил қилиши

муҳим ҳисобланади. Малака ошириш муассасаларидаги педагогик жараёнларга татбиқан инновация таълимнинг мақсади, мазмуни, шакл ва методларига, педагоглар ҳамда тинловчиларнинг биргаликдаги фаолиятини ташкил этишга янгилик киритишини аниглади. Шунга кўра, педагоглар малакасини оширишда касбий билимлар доирасини кенгайтириш, аниқ ўқув фанларининг мазмунини ижодий ўзлаштириш, ахборот-коммуникацион технологиялардан самарали фойдаланиш, мустақил таълим олиш малакаларини эгаллаш эҳтиёжини шакллантиришга етарлича эътибор қаратиш зарурдир.

Таълим натижаларини баҳолашда «ўқимишли» ўрнига «компетентли» тушунчаси долзарб бўлиб қолди. Таълим сифати «компетенция» ва «компетентлик» тушунчаларига боғлиқ бўлиб, ўқув жараёнини компетенцияга асосланган ёндашув асосида ташкил этиш учун асос бўлиб хизмат қилади. Компетенция – барча турдаги ресурслардан: билим, кўникма ва тажрибадан, фаолият услубларидан ва самарали қурилмалардан фойдаланиб, касбий муаммоларни ҳал қилишга ва мақсадларга эришишга тайёрлик. Компетентлик – бу муайян предмет соҳасидаги аниқ ҳаракатни самарали бажариш учун зарур бўлган ўзига хос қобилият ва юқори ихтисослашган билимлар, мавзулар бўйича кўникмалар, фикрлаш услублари, шунингдек ўз хатти-ҳаракатлари учун жавобгарликни англашни ўз ичига олади. Компетентли ёндашув таълим олувчининг ижтимоий, коммуникатив, ахборот, касбий ва бошқа шахсий сифатларини шакллантиришга йўналтирилган бўлиб, замонавий ижтимоий-иқтисодий шароитларни ўзида дярли тўлиқ амалга ошириш имконини беради. Бу ёндашув таълим олувчилар шахсини тўлиқ тарбиялаш ва муҳим амалий вазифаларни ҳал қилиш имкониятини шакллантириш сингари компетенциялар тизимига асосланган.

Жамиятнинг ҳар бир аъзоси, хусусан, таълим олувчилар ҳам фаол ахборот истеъмолчиси сифатида ўқув ва ҳаётий фаолиятларида мунгазам равишда ахборотлар билан ишлаш олиш уларда ахборот-коммуникацион компетентлигини ривожлантиришни талаб этади. Умумий ўрта таълим мактаблари бошлангич синф ўқитувчиларининг малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёрлиги ҳамда компетентлигига қўйиладиган малака талабларидаги АКТ ва медиа саводхонлиги компетентлиги мазмуни қуйидагилардан иборат (1-жадвалга қараңг).

Тадқиқотчиларнинг фикрига кўра ахборот-коммуникацион компетентлик бу компьютерни ишлайтиб, фаолиятнинг турли соҳаларида мақбул қарорларни ишлаб чиқиш, қабул қилиш, башорат қилиш ва яратиш жараёнларини предметга хос билимларнинг махсус турига акс эттириш натижаси бўлган инсоннинг интеграл сифатидир. Ахборот-коммуникацион компетентликнинг ахборот аспектини тузилиши қуйидаги кўникма ва малакаларни ўз ичига олади: керакли маълумотларни мустақил излаш, тахлил қилиш, танлаш, қайта ишлаш, сақлаш. Унинг коммуникацион томонини таркибига қуйидагилар қиради: коммуникатив ва ташкилий кўникмалар (аниқ ва тезкор равишда ишбилармонлик алоқаларини ўрнатиш, ташаббускорлик, атрофдаги одамлар билан биргаликда тадбирларда фаол ўзаро алоқалар); ўз-ўзини бошқариш

қобилияти (ўз хатти-ҳаракатларини тартибга солиш, зиддиятли вазиятларда жавоб беришнинг самарали усулларини топиш қобилияти); оғзаки ва оғзаки бўлмаган таъсир ўтказиш маданияти (муҳт техникасини, риторик техникани, баҳслашиш техникасини ўзлаштириш).

1-жадвал
АКТ ва медиа саводхонлиги компетенцияси мазмуни

Таълим муассасасини ахборотлаштириш тизимини илгари суриш. АКТ маданиятини ривожлантириш ва ушбу тизимни амалга оширувчи таълим муҳитини шакллантириш
АКТдан фойдаланган ҳолда ўқувчиларнинг таълим олиш имкониятларини кенгайтиришга қаратилган таълим стратегияларини жорий этиш
Таълим жараёнида АКТ дан фойдаланишнинг ижтимоий, ҳуқуқий ва ахлоқий нормалари аҳамиятини тушунишлардан хавфсизликни таъминлаган ҳолда фойдаланиш ва ушбу йўналиш бўйича тегишли йўриқномаларни ишлаб чиқиш
Таълим мазмунига мос бўлган АКТни ўқитиш воситаси сифатида таълим жараёнига интеграция қилиниши турли самарали стратегия ва ёндашуларни режалаштириш, илгари суриш ва қўллаб-қувватлаш
Мақтаб бошқарувида ва филиални ўқитиш жараёнида фаолиятни такомиллаштириш ва самарали таълим этишда АКТ воситаларини жорий этиш
Таълим муассасаси фаолиятини ва ўқувчилар компетенциясини баҳолашнинг самарали усулларини жорий этишда ахборот технологияларидан фойдаланиш
Оммавий ахборот воситаларидаги медиа контентини тушуниш, медиа саводхонлик элементларини ўқида муҳасам этган ҳолда уларни ўқувчиларда шакллантириш йўллари билан
Турали хел шаклларида ва воситалар орқали ахборотларни таҳлил этиш, баҳолаш, бошқариш ва янги маълумотларни яратиш

Малака ошириш жараёни андрогик принциплар асосида ташкил этилиши муҳим аҳамият касб этади. Андрогик принциплар ўз ичига таълимнинг ташкилий-фаолиятли ва интерфаол методларини олган, катталар таълим методлари мажмуасидан ташкил топган бўлиб, асосан, амалий бўлган методлар асосида амалга оширилади.

Малака ошириш узлуксиз таълимнинг таркибий қисми тегишли равишда катталар таълими жараёни ҳисобланар экан, унинг мақсади илгари эгаланган касбий билимларни янгилаш ва чуқурлаштириш, касбий фаолият билан боғлиқ бўлган таълимий эҳтиёжларни қондиришдан иборат. Бунда бошлангич синф ўқитувчилари таълимнинг андрогик талабларида аниқланган қонуниятлар, андрогик принциплар нуқтан назаридан шаклландирилган таълим жараёни тўғрисидаги идеал тасавурларни тавсифлайди (2-жадвалга қаранг).

Ривожлантириш – бир сифат ҳолатидан бошқасига, эскидан янгига ўтиш, шунингдек, микдор ўзгаришларининг сифат ўзгаришларига ўтиши қонундир. Малака ошириш жараёнининг таҳлили шуни кўрсатадики, катталарни ўқитиш, уларнинг малакасини ошириш жараёнида тингловчиларнинг ахборот-коммуникацион компетенциясини ривожлантиришда уларнинг мустақил малака ошириши ва ўзини ўзи ривожлантириш тамойилларига амал қилиш муҳим аҳамият касб этади.

2-жадвал
Бошлангич синф ўқитувчисининг андрогик талаблари

АКТ компетенцияси	Педагогик фаолият компетенцияси
Шахсий компьютерда ишлашга оид бошлангич малакаларга эгалик	АКТ соҳасидаги билим ва малакаларни мустақил назорат қилиш ва баҳолашни билиш
АКТ, виртуал муҳит ва шахсий компьютер воситасида касбий фаолиятни ташкил этиш	Ўз-ўзини баҳолаш натижаларига, кўра фаолият натижаларини мустақил тўғрिलाшни билиш
Асосий операцияларни билиш: Microsoft Word бўйича (яратиш, форматлаш, сақлаш қўлайтириш), Microsoft Excel бўйича (электрон жадалларни яратиш, график, диаграмма, катталарни форматлаш)	Янги қарорларни қабул қилиш ва уларни касбий фаолиятга ўз вақтида тўғриқ этишга лаяқатли бўлиш
Компьютер дастурлари, электрон почта, интернет тизимлари ресурслари билан ишлаш технологияларини, масофавий таълим имкониятларини билиш	Масофадан касбий фаолиятни амалга оширишнинг замонавий усул ва технологияларини билиш

Ахборот-коммуникацион компетенция – касбий таълимда субъект-субъект ва субъект-объект ёндашуларни интеграциялайдиган метабодир. Ахборот-коммуникацион компетенция малака ошириш таълимнинг принциплари янги натижаси сифатида хизмат қилади. Малака ошириш тизимининг натижаси йўналганлиги, моҳияти малака ошириш таълимнинг асосий мақсадларининг (ахборот-коммуникацион компетенцияларни ривожлантириш) ўқитувчининг касбий фаолият мазмуни (касбий функцияларнинг мажмуи ҳисобланган) билан номувофиқлигидан иборат бўлган долзарб муаммони ечишнинг оптимал йўли ҳисобланади.

Дисертациянинг «Малака ошириш жараёнида бошлангич синф ўқитувчисининг ахборот-коммуникацион компетенциясини ривожлантириш мазмуни, шакли, метод ва воситалари» деб номланган иккинчи бобида малака ошириш жараёнида ахборот-коммуникацион компетенциясини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари, модели ва педагогик шароитлари ёритилган.

Ахборотлашган жамиятнинг асосий талаби ўзлаштирилган ахборотлар миқдори билан эмас, балки ўзлаштирилган ахборотларни тегишли соҳалар ва ҳаётини фаолият давомида қўлай олиш даражаси билан белгиланади. Демак, таълимда эришилган самарадорлик ўзлаштирилган ахборотлар билан бирга, ўқувчиларнинг ўзлаштирилган ахборотлардан фаол ҳаётини позицияни эгаллаш учун фойдалана олиши билан ҳам белгиланади. Компетенциявий ёндашува асосланган таълим ўқувчиларни ўзлаштирилган ахборотларни ўқув ва ҳаётини фаолият турларининг стандарт ва ностандарт вазиятларида қўлай олишга тайёрлаш билан характерланади. Бошлангич синф ўқитувчисининг ахборот-коммуникацион компетенциясини тузилмаси жамиятнинг ижтимоий буржумаси, ўқитувчи фаолиятининг ижодий томони хусусиятлари билан

боғлиқ бўлган фаолият турларининг мазмунини акс эттиради. Психологик-педагогик, мезърий-хуқуқий ва умумқасбий компетенциялар педагогик касб учун умумий характерга эгадир, рефлексив, предметли ва методик компетенциялар эса – ахборот-коммуникацион компетентликнинг махсус компетенциялари ҳисобланиб, улар бошлангич синф ўқитувчисини мутахассис сифатида бошқа педагоглардан фарқловчи, махсус касбий мажбуриятларни бажариш қобилияти билан боғлиқ (3-жадвалга қarang):


3-жадвал
Бошлангич синф ўқитувчисининг ахборот-коммуникацион компетентлигининг махсус компетенциялари мазмунини

Компетенция	Мазмун-моҳияти
Рефлексив компетенция	АКТ ва педагогик дастурий воситалардан тўғри ташлаб олиш, шундан ўз хатоларини кўриш ва ахборотлаштиришнинг техник воситаларидан фойдаланган ҳолда тузатишга интилиш, ахборот ва телекоммуникация технологиялари ривожланишининг замонавий тенденцияларини ҳисобга олган ҳолда касбий фаолият доирасида ўзлаштириш
Методик компетенция	Математика дарсини режалантириш ва ташкил этишда амалий дастурлар ва мультимедиа технологияларини қўллаш, ўқув жараёнида электрон ўқув материалларини яратинида Micro-soft office пакетидан максалди фойдаланиш ва инфографика материалларини яратини, машулотларини самарали ташкил этишда электрон кўргазмалли дидактик материал ҳамда флешларларни тайёрлаш ва тақдим этиш, ташкил жараёни самарадорлигини оширишда мультимедиа дастурлар имкониятларидан фойдаланиш (мультимедиа электрон тестлар ва 3D китоблар яратини).
Предметли компетенция	Бошлангич таълим курсининг илмий асосларини, мазмунини, амалдаги дастурлар ҳамда ўқитишнинг самарали методларини билиш; интернет ташкил ресурслари ва улардан ўқув жараёнида фойдаланиш; педагогик фаолиятда электрон ташкил контентини яратини; инфографик маълумотларни ташкил этишда дастурий воситалар (E!Draw Max dasturi, Mind Map) имкониятларидан фойдаланиш.

Барча санаб ўтилган ташкил этувчилар бевосита боғланиб, бошлангич синф ўқитувчиси ахборот-коммуникацион компетентлигини ривожлантирувчи тузилмани ташкил этади. Ифодаланган компетентцияларнинг мазмунини бошлангич синф ўқитувчисининг касбий фаолиятига талабларни акс эттиради.

Айни пайтда педагог кадрларнинг касбий салоҳиятини ошириш, уларни инновацион фаолият юритишлари учун замин бўла оладигани малака ошириш жараёнида бошлангич синф ўқитувчиларининг ахборот-коммуникацион компетентлигини ривожлантириш муҳим аҳамият касб этувчи вазифалардан ҳисобланади. Бу каби муаммолар халқ таълими ходимлари малакасини янада такомиллаштиришни тақозо этади.

Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда, малака ошириш жараёнида бошлангич синф ўқитувчилари-тигловчиларининг ахборот-коммуникацион компетентлигини ривожлантиришнинг услубий ва назарий асосларини ўрганиш натижасида таркибий жиҳатдан мазмунли модель яратилди ва тавсифланди (1-расмга қarang):



1-расм. Бошлангич синф ўқитувчиларининг ахборот-коммуникацион компетентлигини ривожлантириш модели

Модель қуйидаги таркибий қисмларни ўз ичига олади:

когнитив компонент – АКТга бой муҳitada бошлангич синф ўқитувчиларининг касбий фаолияти учун зарур бўлган компетенцияларни акс эттиради; маълумотларни йиғиш, қайта ишлаш, тахлил қилиш ва шахсий компьютер билан ишлаш компетенцияси, компьютер технологиялари, асосий дастурий таъминот, дастурий маҳсулотлар ва хизматларни билиш компетенцияси, этика ва одоб-ахлоқ нормаларини билиш компетенцияси,

мотивацион-кадриятли компонент – малака ошириш тингловчиларининг электрон таълим муҳитидаги таълим фаолияти мотивлари, уларнинг ижтимоий тармоқлардаги қизқишларини акс эттиради, компетенцияларни шакллантириш аспектини ўз ичига олади; таълим фаолиятида ўз-ўзини ривожлантириш компетенцияси, ўзини бошқариш ва ўзини англаш компетенцияси;

коммуникатив компонент – малака ошириш жараёнида компетенцияларни ривожлантириш аспектини ўз ичига олади; электрон дарсликнинг алоқа воситаларидан, ўқув фаолиятида тесқари алоқа учун Интернет-ресурслардан фойдаланиш компетенцияси, бошлангич синф ўқитувчилари ва ўқувчилари ўртасида муносиб муносабатларни ўрнатиш учун ўқув машгулотлари ва алоқа соатлари давомида гуруҳларда ишлаш компетенцияси;

техник-технологик компонент – ахборот оқимлари билан ишлашнинг технологик кўникмаларини, турли вазифаларни бажариш ва ўз маҳсулотларини яратиш (АКТ воситаларидан фойдаланган ҳолда) компетенциясини акс эттиради, хусусан, электрон (рақамли) шаклда қуйидаги фаолиятни амалга ошириш бўйича фаолиятини акс эттиради: ўқув жараёнини режалаштириш, ўқув жараёнининг материалларини жойлаштириш ва сақлаш, ўқув жараёни ва натижаларини белгилаш, бошлангич умумий таълимнинг асосий таълим дастурини ўзлаштириш, таълим жараёни иштирокчиларининг Интернетдаги таълим ахборот ресурсларига киришини назорат қилиш.

Маълумки, малака ошириш жараёнида тингловчиларнинг ахборот-коммуникацион компетентлигини ривожлантириш муҳим ва долзарб муаммо бўлиб қолмоқда. Малака ошириш муассасалари бошлангич синф ўқитувчиларининг ахборот-коммуникацион компетентлигини ривожлантириш шароитларини тўрт гуруҳга ажратилди:

предметли-методик шароит – ўқитувчи ҳамда тингловчининг субъект-субъектli муносабатини таъминлашни назарда тутлади;

мазмунли шароит – малака ошириш курси учун махсус тайёрланган «Бошлангич синфларда математика ўқитиш методикаси» ўқув қўланмаси ва www.bztop.uz веб-сайтдан фойдаланиш;

ташқиллий-педагогик шароит – ўқув жараёнида касбий фаолиятни моделлаштиришнинг педагогик технологияларидан фойдаланиш;

моддий-маънавий шароит – малака ошириш педагогик жамоасини янги ахборот технологиялари билан ишлашга ўргатиш.

Тадқиқот давомида бошлангич синф ўқитувчиларининг малака ошириш жараёнида ахборот-коммуникацион компетентлигини мутахассислик

модулининг математика ўқитиш фани кесимида ривожлантириш аудиторияда ва масофавий таълим орқали амалга оширилди.

Аудиторияда ишлаб чиқилган «Бошлангич синфларда математика ўқитиш методикаси» ўқув қўланмаси ёрдамида ўзаро ҳамкорлик ва индивидуал ёндашув асосида қуйидаги таълим усуллари такомиллаштирилиб, амалиётга татбиқ этилди:

Семинарлар – тармоқдаги педагогик ҳамжамиятларнинг бошлангич синф ўқитувчиларининг касбий ўсиши учун имкониятларини намойиш этиш. Тармоқдаги ўзаро ҳамкорлик тушунчаси тўғрисида тингловчилар тасавурини шакллантириш. Бошлангич синф ўқитувчиларининг тармоқдаги ўзаро ҳамкорлик жараёнига киришга рағбатлантириш.

Амалий машгулот, тренинг – тингловчилар томонидан педагогик ҳамжамиятларда ишлаш усул ва методларини ўзлаштириш, АКТ дан фойдаланиш заруриятини тушуниш.

Мастер-класс, кейс-стади – бошлангич синф ўқитувчилари томонидан ахборот-коммуникацион компетентлик компонентларини ривожлантиришга йўналтирилган тармоқлардаги педагогик ҳамжамиятлардаги фаолиятини лойиқлаштириш усулларини ўзлаштириш.

Тренинг, ишчан ўйинлар – бошлангич синф ўқитувчиларида касбий ўсиш, ўз фаолиятини тахлил этиш ва баҳолаш кўникма ва малакаларини шакллантириш.

Мустақил таълим, ўзини ўзи ривожлантириш ва тажриба алмашиш (онлайн маъруза, форум, тadbирлар, Интернет-семинар, онлайн-консултация, чат, вебинар, конференциялар) орқали тингловчиларнинг ахборот-коммуникацион компетентлигини ривожлантириш масофавий ўқитиш технологияларига асосланиб электрон ахборот таълим муҳитида махсус ишлаб чиқилган электрон таълим ресурси орқали амалга оширилади.

Электрон ахборот таълим муҳити – бу компьютер техникаси ва дастурий телекоммуникация воситаларидан иборат, ўқитувчиларнинг касбий эҳтиёжларининг сифатли ахборот таъминотини яратиш, касб фаолияти давомида узлуксиз методик тайёрларлиги фаолиятини такомиллаштиришга йўналтирилган ўқув-методик таъминотга асосланган таълим олиш жараёни хисобланади. Электрон ахборот таълим муҳитида ўқитувчиларнинг мустақил таълим олиши учун қизқишини шакллантириш ва ривожлантиришга ижобий таъсир кўрсатувчи психологик омиллардан бири мотивлаштириш хисобланади. Электрон ахборот таълим муҳитини ташкил этиш замонавий таълим парадигмасига, инсоннинг индивидуаллигини англаш, қатъа ёндаги инсонларнинг психологик хусусиятларини билиш ва хисобга олишга асосланади. Шунингдек, электрон ахборот таълим муҳити инновациялар диффузияси самаралорининг асоси сифатида белгиланади. Илмий адабиётлар тахлили кўрсатадики, инновациялар диффузияси ижтимоий тизим аъзолари ўртасида ангилликларнинг коммуникацион воситалар орқали вақти-вақти билан узатилиш жараёни бўлиб, аввал ишлатилган ва

ўзлаштирилган инновацияларни янги шaroитда ёки янги жойда омалаштиришни билдиради.

Мустақил таълим орқали тингловчиларнинг ахборот-коммуникацион компетентлигини ривожлантиришда қуйидагиларни назарда тутиш лозим: мустақил таълим орқали узлуксиз малака оширишни таъминлашда мақсадли ва муаммоли малака ошириш курслари, семинар ва конференциялар, турли мақсадли ва муаммоли ўқувларни ташкил этиш билан бир қаторда фан соҳаси бўйича электрон таълим ресурси орқали электрон ахборот таълим мухитини ривожлантириш; электрон ахборот таълим мухитининг электрон таълим ресурси орқали узлуксиз малака ошириш тизимида ўқитувчиларнинг муҳитга мослашуви ва мотивацияларини шакллантириш; электрон ахборот таълим мухитини жорий этишда алоқадор узлуксиз таълим турлари – умумий ўрта таълим ва малака ошириш турларининг ўзаро алоқадорлиги ва ҳамкорлигини таъминлаш ҳамда такомиллаштириш учун зарурий шарт-шароитларни яратиш; узлуксиз малака оширишнинг ўқув-методик таъминотини такомиллаштириш, тажрибада синаб кўриш, шу асосда электрон таълим ресурсидаги ўқув-методик таъминотни мунтазам янгиланган бориш; электрон ахборот таълим мухитининг электрон таълим ресурси асосида узлуксиз малака ошириш таълими сифатини баҳолаш, мониторингини олиб бориш; электрон таълим ресурси орқали ўқитувчиларнинг узлуксиз малака оширишидан кейинги фаолиятни истиқболли режасини тузиш, назорат қилиш ва ҳ.к.

«Бошлангич синфларда математика ўқитиш методикаси»га доир узлуксиз малака ошириш тизимининг электрон манзили «www.bstom.uz» веб-сайтида жойлаштирилган. Таҳсиллар ва илмий тадқиқотимиз натижасида «Word Press» CMS (Content Management System – контентларни бошқариш тизими) контенти орқали интерфаоллик, индивидуаллик, тингловчиларнинг вақти, эҳтиёжи, имкониятларига асосланганлик, таълимнинг ошқоралиги ва ўзгарувчанлиги, адаптация, иқтисодий мувофиқлик каби устувор тамойиллар асосида бошлангич синф ўқитувчиларининг математика ўқитиш юзасидан мустақил ва узлуксиз малака оширишларига йўналтирилган «www.bstom.uz» номли веб-сайт яратилди. Веб-сайтнинг мақсади бошлангич синф ўқитувчиларининг касбий фаолияти давомида мустақил таълим орқали узлуксиз касбий билим ва кўникмаларини чуқурлаштириш ва янгиланган бориш, мустақил тарзда ўзлаштирилган билимларини амалиётда қўллаш орқали ахборот-коммуникацион компетентлигини ривожлантиришдан иборат.

